O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
**HOKIMI**
**QARORI**

**Р Е Ш Е Н И Е**
**Х О К И М А**
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2017 йил «12» июн №633-ч

**Нурбод туманидаги “Дўстлик”, “Гирдикурғон” махалла фукаролар йиғинларига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги
ПК-2906 сонли “Ички ишлар органлари профилактика инспекторларини хизмат уй-
жойлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини
амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер
участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар беришни
тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ҳамда туман
хокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари
бўйича комиссияси аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалалари бўйича комиссия аъзоларининг “Дўстлик” маҳалласи ҳудудидан милиция
таянч пункти профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун туман
хокимлиги захира ерлари хисобида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер
майдонлари хисобидан 200.0 кв.м. ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги
далолатномаси тасдиқлансин ва ер майдони ажратиб берилсин.

2. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га “Дўстлик” маҳалласи ҳудудидан
милиция таянч пункти профилактика инспекторини уй-жойининг ер майдонини натура
тарида ўлчаб берилиши, қурилиш учун АРТ-1-2 хужжатлари ҳамда шаҳарсозлик
талаблари асосида лойиҳа хужжатлари ва белгиланган муддатларда фойдаланишга
топширилиши бўйича доимий мониторинг ўрнатиш ишларини амалга ошириш
вазифаси топширилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими (Ф.Эргашев) зиммасига
ажратилаётган ер майдонининг хужжатларини расмийлаштириш ва туман ер
хисоботига белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

Туман хокими DEVONXONA Ф.Заиров